



“Тасдиқлайман”  
“Урмонқурилиш” ДУК директори  
Б.Сафаров  
2022й.

Қашқадарё вилояти “Китоб” давлат ўрмон хўжалигига сугориш қудугини қуриш объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва Курилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик хужжатлари экспертизасидан экспертиза хулосасини олиш билан биргаликда:

Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) гидрогеология ва геология ишлари.

## ЭЪЛОН

**1. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот:**

**1). Ишлар, хизматларнинг батафсил тавсифи ва нархи:**

Объектнинг номланиши	Қашқадарё вилояти “Китоб” давлат ўрмон хўжалигига сугориш қудугини қуриш объекти
Иш тури	-Объектнинг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ... -Курилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик хужжатлари экспертизасидан экспертиза хулосасини олиш билан биргаликда; -Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) гидрогеология ва геология ишлари.
Бажараладиган иш турининг қиймати ҚКС қўшилган холда	<b>20 970 000 (йигирма миллион тўққиз минг етмии минг)</b> сўм
Бажариш муддати	<b>10 (үн)</b> календар кун

**2). Танлов ўтказиладиган жой манзили:** Тошкент шахри, Мирзо Улуғбек тумани Дўрмон йўли 2А-уй.

**3). Танлов иштирокчилари таклифларида тасдиқланган қўйидаги хужжатларни (электрон шаклда etender.uzex.uz порталида белгиланган тартибда) тақдим этишлари шарт:**

- танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл);
- танлов иштирокчисининг кафолат хати (2-шакл);
- танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (3-шакл)
- танлов иштирокчисининг тижорат (нарх электрон шаклда) таклифи (5-шакл);
- лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларининг умумий жадвали (6-шакл);
- танлов иштирокчисининг рўйхатдан ўтганлиги (регистрация) тўғрисидаги хужжат нусхаси;
- танлов иштирокчисининг лойиха хужжатларини ишлаб чиқишига тегишли лицензиясининг нусхаси (суб пудрат ташкилоти жалб этилганда уларнинг ҳам);
- танлов иштирокчисининг объект билан танишганлиги тўғрисида далолатнома (ГИП, ГАП ва фойдаланувчи ташкилот масъуллари билан биргаликда);

**4).Иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун белгиланган шахслар:**

- Шухрат Исламов - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик шартнома муносбатлари бўлими бош мутахассиси, тел.: 97-462-72-00;
- Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли 2А-уй.

**5).Танлов хужжатлари қоидаларини изоҳлаш учун сўров бериш:** Кўрсатилган телефон рақамлари ва ёки электрон почта орқали Электрон манзил: [urmonqurilish@urmon.uz](mailto:urmonqurilish@urmon.uz)

**6).Таклифларни бериш муддатлари тугайдиган сана ва вақти:** Эълонга берилган санадан бошлаб 5 иш кун.

**7).Танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар:**

- Танлов иштирокчиларининг техник хужжатлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган (талабларга асосан электрон равишда муҳрланган хужжатларини) тақдим этилади (PDF форматда электрон жойлаштирилади) (эълонда келтирилган иловалар бўйича).

- Танлов иштирокчиларининг хужжатларини, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган ёки хужжатларини хар бир вараги имзоланган ҳолда (электрон кўринишда PDF форматда) жойлаштириш тавсия этилади.

- Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- Танловга таклифларни қабул қилиш чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

**2.Бажарилган (иш, хизмат) учун тўлов сўмда амалга оширилади.** Шартнома имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг 30% микдорида аванс тўланади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишлар хисоб-фактураси тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

**3.Танловда иштирок этиш учун таклиф ўзбек тилида тайёрланиши лозим.**

**4.Танлов иштирокчиларига танлов қоидаларига доир тушунтиришлар эълон жойлаштирилган санадан бошлаб юборилган ҳамда таклифлар бериш муддати тугайдиган санага камида 2 (икки) кун олдин келиб тушган сўровларга жавоб юборилади (электрон манзил орқали [urmonqurilish@urmon.uz](mailto:urmonqurilish@urmon.uz))**

**5.Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда харид комиссияси бунда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.**

**6.Танловда қатнашиш учун талабгорга қўйидаги малака талаблари қўйилади:**

- Шартнома бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжудлиги;
- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз изрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- Танловда қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

**7.Ишнинг , хизматнинг муқобил вариантларига йўл қўйилмайди.**